*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**14 май**
ЧОРШАНБА
**№ 39** (12675)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Маънавият

## ЭЛИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО

*Шукрким, тинчлиги барқарор, осмони мусаффо ва бу неъматлар натижаси ўлароқ, турмуши обод юртимизда яна бир хайрли анъана — Хотира ва қадрлаш куни ўзига хос файз-тароват билан ўтказилди. Алалхусус, хотиржамлик, осудалик, ҳаловат каби энг зарур омиллар умримизга умр қўшиб турибди.*





Вилоятимизда бу эзгулик байрами ҳар қачонгидан ҳам шукуҳли, кўтаринки тарзда ўтди. Олмалиқнинг яшилликка бурканган гўзал гўшаси — Хотира майдони хиёбонига йиғилган уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошчилигида эъзозу эҳтиром билан кутиб олинди. Дастлаб бу ёруғ кунларга етиб келолмаган фахрийлар хотирасига таъзим бажо келтирилди — Эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

«Болалар ёзи – 2014»

**Мана, мактаб ўқувчилари орзиқиб кутадиган ёзги таътил ҳам бошланай деб қолди. Ҳадемай, тоғ ён-бағридаги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари яна ўғил-қизлар билан гавжумлашади. Ўқувчиларнинг таътил кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, бўш вақтларини самарали ташкил этишда оромгоҳларнинг аҳамияти катта эканлигини барчамиз яхши биламиз. Хўш, оромгоҳлар мавсумга шайми?**

## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Бу йил вилоятда 30 минг 450 нафар болани соғломлаштириб, дам олдириш мўлжалланмоқда. Шундан "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ёзги мавсумда 13 минг 450 нафар кам таъминланган, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш режаси белгиланди.

Биз Бўстонлиқ туманидаги айрим болалар оромгоҳларида бўлиб, "Болалар ёзи – 2014" мавсумига тайёргарлик ишларининг аҳволи билан танишдик. Туман ДСЭНМ ҳудуддаги 33 та оромгоҳни назоратга олган.

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасига қарашли "Зангори олов" болалар соғломлаштириш оромгоҳи Қоранкўл қишлоғида жойлашган. Бу ерда мавсумга тайёргарлик қониқарли даражада. Бунинг учун оромгоҳга 5 миллиард сўм ажратилган. Шундан 4 миллиардди қурилиш ишларига, қолгани озиқ-овқат ва бошқаларга сарфланади. 2 та янги бинони қуриш ҳам авжида. Қурилиш ишлари якунласа, оромгоҳ қиёфаси тубдан ўзгаради.

– Болажонларимиз табиат қўйнида мириқиб ҳордиқ чиқарсин деймиз, – деди оромгоҳ иш юритувчиси Ҳикмат Юсуфалиев. – Шу мақсадда эккан манзарали ва мевали дарахтлар сони мингдан ошди. 400 ўринли ошхонамизда тайёрланадиган мазали таомлар болалар соғлиғи учун зарур дармондорили маҳсулотлар билан бойитилади. Ётоқхоналар олдидаги ювиниш мосламаларини янгиладик.

30 дан зиёд ишчи-ходимларнинг саъй-ҳаракати билан оқава сув тармоғи марказлашган тизимга уланди. Ўрин-кўрпа ғилофлари, тўшаклар етарли миқдорда. Ошхона ва омборхонадаги эскирган совутгичлар янгиланди. Тиббиёт бўлими дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган воситалар ва зардоблар билан етарлича таъминланган. Муолажа ва кир ювиш хоналари жиҳозланиб, санитария талаби даражасига келтирилган.

"Ниҳол" оромгоҳида тайёргарлик ишлари март ойиданоқ бошлаб юборилган. Бунда "Универсал қурилиш" масъулияти чекланган жамиятининг ишчи-ходимлари жонбозлик кўрсатишмоқда. Болажонларнинг бахри-дили очилиши учун ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ЯНГИ ЁНДАШУВ МОҲИЯТИ

**Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан "Ўқув машғулотларда инновацион таълим технологияларини лойиҳалаштириш ва уни амалга ошириш" мавзуида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.**





Унда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Тошкент давлат аграр университети вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар ёш авлодга берилаётган таълим жараёнларидаги янгиликларни алоҳида таъкидлаб ўтишди. Ҳар бир ўқувчи мустақил фикрлашга эришиши учун турли услублардан фойдаланиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, ўқув-семинарда таълимга технологик ёндашувнинг тўлиқ моҳияти ёритилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

**Мардлик, матонат ва чексиз сабри билан ўз ҳаётларини Ватанни ҳимоя қилишга бахшида этган минглаб юртдошларимизнинг уруш жанггоҳларидаги иштироки, кўрсатган қаҳрамонликлари биз учун ибрат.**

## ЁРУҒ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг майдонлари ва мамлакат ичкарисида фидокорона хизмат кўрсатган бир гуруҳ зангиоталик уруш ва меҳнат фахрийлари билан тумандаги Хотира майдонида учрашиб, суҳбатлашдик.

– Аччиқ урушнинг аламли кунлари ортда қолгани рост бўлсин. Ёруғ кунлар умидида саодатли дамларга етарми канмиз, деган ҳадик билан яшаб, қаҳатчилик азобларидан кўнгиллар зада бўлган йилларни эсласам, бўғзимга йиғи тиқилади, – дейди меҳнат фахрийси Вазифа Насриддинова. – Раҳматли турмуш ўртоғим Мухтор ака Набиев 45-йилда яраланиб, уйга қайтдилар...

Кўзларига ёш қалқиган Вазифа опанинг сўзларини уруш ва меҳнат фахрийси Аҳрор ота Носиров давом эттирди:

– Навоий тепалиги бўларди. Ўша ерда меваларни қуритиб, яшикларга жойлаб, жўнатар эдик. Аскарларга ёрдам бўлсин, уруш тезроқ тугасин дея, ҳаракат қилардик. Мана ёнимда ўтирган Анвар Фахриддиновнинг отаси Фахриддин Хўжахонов, амакиси Ғанихўжа ҳам урушдан қайтишмади...

Отахон узоқ ўйга чўмди. Ёнимда жимгина суҳбатни тинглаб ўтирган Абдусамад Аҳмедовга савол назари билан юзландим.

– Ёшим 90 да. Ёшлигим урушнинг ваҳимали йилларига тўғри келди. Қийин дамлар эди, ўшанда. Шукр, шундай дориламон замонларни кўрдик. Аждодларимиз ётган ерлар обод гўшага айланди. Диёримиз тинч, меҳнат қилсанг роҳатини кўрасан. Кўз тегмасин юртимизга, – дея дуо қилдилар отахон.

Ўтганлар хотирасини ёд этиш халқимизнинг ўзига хос қадрияти. Фашизмга қарши курашган юртдошларимиз хотираси қалбимизда доимо яшайди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Тадбир

## ЭЪТИБОРДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

Янгийўл тумани "Мезон" маҳалласида "Нуроний" ҳамда туман Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш куни арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп болали оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотган кексаларга саккиз хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилиб, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

Яна тўловлар ҳақида

## ҚАРЗДОРМИСИЗ, НОЛИМАНГ...

Истеъмолчиларга кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ошириш, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашни изчил йўлга қўйиш асосан бир омилга, яъни истеъмолчиларнинг коммунал тўловлар, айниқса, электр ва табиий газ ҳақини вақтида тўлаб боришларига боғлиқ. Яъни, сотилган товарнинг пули вақтида тўланмаслиги соҳада кечаётган ислоҳотлар ривожига тўсқинлик қилади. Шундай экан, юзага келган мазкур қарздорлик муаммосини бартараф этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

– Тан олишимиз керак, етказиб берилган электр энергиясидан дебитор қарздорликнинг ортиши кузатилмоқда, – деди "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти энергия сотиш бўлими бошлиғи Иззатилла Иброҳимов. – Истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газ ресурслари учун тўловлар мунтазам равишда амалга оширилмаяпти. Натижада, тўпланиб қолган дебитор қарздорлик миқдори тобора кўпаймоқда. Афсуски, ана шу қарздорликнинг аксар қисми аҳоли ҳиссасига тўғри келаяпти. Бу билан ҳамма қарздор демоқчи эмасмиз.

(Давоми 2-бетда).

Газетада босилмади, аммо...

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АМАЛ ҚИЛИНАЯПТИ

Таҳририят Чирчиқ шаҳри Навоий шоҳкўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан олган шикоят хатида уй-жойлар бузилаётганидан норози эканлари баён этилганди. Ушбу шикоят мактуби вазиятга ойдинлик киритиб, натижасини таҳририятга маълум қилишни сўраб, вилоят ҳокимлигига юборилган эди. Вилоят ҳокими ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Нурмуҳамедов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади:

– Фуқаро Э. Касимов ва бошқаларнинг Чирчиқ шаҳар Навоий шоҳкўчасидаги уй-жойларни шаҳар ҳокимининг қарорига асосан бузилишидан норози бўлиб ёзган аризалари Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, республика Президентининг 2013 йил 6 августдаги 2020-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 январдаги 16-сонли қарори асосида тасдиқланган вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Тошкент вилоятида жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш вилоят комиссияси"нинг 2014 йил 15 мартдаги йиғилиши баёни ҳамда вилоят ҳокимлигидан тақдим этилган ҳужжатларга ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддасига асосан, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2014 йил 17 мартдаги 83-сонли қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 6 августдаги 2020-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, "Кўп қаватли тураржойларни (биринчи қаватида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари) қурилишини жойлаштириш тўғрисида"ги Чирчиқ шаҳар ҳокимининг 2014 йил 17 мартда қабул қилинган 83-сонли қарори вилоят ҳокимининг 2014 йил 18 мартдаги 79-сонли қарори билан тасдиқланган.

Ушбу қарорнинг 2-бандида Чирчиқ шаҳар Навоий шоҳкўчаси Автосалондан вилоят Перинатал маркази оралиғидаги якка тартибдаги уй-жойлар ўрни, яъни 4р-6 "Тошкент-Қибрай-Чимён" 1-тоифали автойўлнинг 28-, 29-км. чап томонидаги 2,9 гектар ер майдонидаги мавжуд турар ва нотураржойлар хатловдан ўтказилиб, у ердаги фуқароларни белгиланган тартибда кўчириш ва биноларни бузиб олиш чораларини кўриш кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низомда кўрсатилган талабларга асосан, зарар кўрган ҳар бир фуқарога бадал (компенсация) тўлаш белгиланган.

Юқоридаги қарор талаблари ижросини таъминлаш мақсадида, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг ишчи гуруҳи Навоий шоҳкўчаси ҳамда бошқа жойлардаги, яъни бузилиш рўйхатига тушган манзиллардаги турар ва нотураржойлар хатловдан ўтказилиб, ушбу уй-жойлардаги фуқароларни белгиланган тартибда кўчириш ва биноларни бузиш ҳақида тушунтириш, шу каби бузилиши лозим бўлган уй-жой ҳамда биноларни баҳолаш ва компенсация тўлаш миқдорини белгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, аризада кўрсатилган Чирчиқ шаҳар ҳокими томонидан 89-уйда яшовчи Сайфиддиновларни мерос олиш ҳақидаги ҳужжатларини нотариал идорасида расмийлаштирилишини тўхтатиб қўйилгани ҳақидаги важлари ўрганиб чиқилганда, мерос олувчи Б. Сайфиддинова шаҳар ҳокимлиги ёрдами билан нотариал идорада ҳужжатларни расмийлаштириб, уй-жойга бўлган мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олганини маълум қилган.

Муаллифларнинг вилоят ҳокимлигига 2013 йил 20 июндаги мурожаатларига вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан 2013 йил 24 июлда 1208-сонли хат билан, Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан 2013 йил 5 августда 129м-13-сонли жавоб хати юборилгани маълум бўлди.

Аризани кўриб чиқиш натижалари ҳақида Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан муаллифларга жавоб хати юборилди.

Маънавият

# ЭЛИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО

– Эл-юрт тинчлиги, фаровонлиги йўлида жонини фидо қилганлар ёди ҳамиша қалбимизда, – деди ҳоким. – Уруш йиллари жангга отланган 400 минг қатнашчилардан фақат 40 минг нафарига ўз элига қайтиш насиб этган эди. Ҳозир уларнинг 350 нафари қаторимизда. Салкам 70 йилдан буён машъум урушнинг даҳшатли асоратларига дош бериб келаётган азиз фахрийларимиз, дориламон кунларингиз бардавом бўлсин, ҳамиша соғ-омон юринг. Бугунги фаровон ҳаёт, обод турмушимиз бунёдкорлари, меҳнат фахрийлари, роҳат-фароғат доимий йўлдошингиз бўлсин...

"Яхши гап – жон озиғи" дейишади. Фахрийларга аталган дил изҳорлари, ям-яшил боғ, ажойиб фавворалар қошида ёзилган тўкин дастурхон, совға-саломлар, таниқли хонандалар ижросидаги ажойиб концерт дастури фахрийларимизга беқиёс кўтаринкилик, хуррамлик бахш этди. Бундай хайрли, файзли байрамлар вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.

– Олмалиқда 26 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари истиқомат қилади, – дейди "Нуроний" хайрия жамғармаси шаҳар бўлими раиси Абдумажид Шодиев. – Мамлакатимиз раҳбари Фармони асосида уларга кўрсатилаётган маънавий ва моддий рағбат барчани хушнуд этди. Хотира ва қадрлаш кунида янада эъзозланаётган кекса авлод вакилларининг кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Байрамда иштирок этиб, фахрийларни самимий қутлаган, совғалар топширган вилоятимиз ҳокимининг дил сўзлари уларни чуқур ҳаяжонга солди...

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ўзгача мазмун-моҳият касб этган Хотира ва қадрлаш куни халқимизнинг ўлмас қадрияти, анъанасига айланди. Бу байрам том маънодаги фидойи кексалар, отахон, онахонлар шарафланадиган кун сифатида ҳамиша қадрли бўлиб қолаверади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).







**Еркебой БОТИРОВ, Даврон АҲМАД, Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**





«Болалар ёзи – 2014»

# ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Спорт ва тиббиёт жиҳозлари етарли даражада эмас. Ошхонадаги эскирган жиҳозлар янгиланмаган, санитар-техник қурилмалар таъмирланмаган.

Туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази маълумотларида келтирилишича, қатор меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларга қарашли дала ҳовлиларида мавсумга тайёргарлик ишлари ҳамон ўлда-жўлда. Жумладан, Сижжак қишлоғидаги 6-мактаб-интернатга қарашли дала ҳовлида оқава сув ўралари таъмирланмаган. Чўмилиш ҳавзаси таъмирталаб. Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи, Оққўрғон туманидаги 78- ва Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-мактаб-интернатларига қарашли дала ҳовлиларда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари, шунингдек жиҳоз ва ускуналарнинг эскирганларини янгиларига алмаштириш талаб даражасида эмас.

– Қатор дам олиш масканлари шифокорлар билан таъминланмаган, тез тиббий ёрдам машиналари ажратилмагани қийинчилик туғдиряпти, – деди туман ДСЭНМ болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокори ёрдамчиси Нодира Рўзибоева. – Бундан ташқари, оромгоҳларнинг техник, санитария-гигиеник ҳамда эпидемиологик ҳолатини яхшилаш зарур.

Ҳожикент қишлоғидаги "Кимёгар" оромгоҳида 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ доирасида қурилиш, таъмирлаш ва ободончилик ишлари амалга оширилаяпти. Бунинг учун 50 га яқин мутахассислар жалб этилган. Янги ва замонавий ётоқхона болажонлар учун катта туҳфа бўлади.

Туман ДСЭНМ бош шифокори М. Сайдаҳмедовнинг айтишича, барча болалар оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, "Металлург" оромгоҳида таъмир ишлари учун 75 миллион сўм ажратилган бўлса-да, лекин ҳануз ҳаракат бошланмаган.

– Бизда тайёргарлик ишлари май ойида бошланади, – деди қоровул Жўра Ҳайитбоев.

Баъзи оромгоҳларда мавсумга ҳозирлик ишлари якунланай деб қолганда, "Келажак"дагиларнинг "Тошкентпахтасаноат" уюшмасига қарашли "Келажак" оромгоҳида режадаги тавсия ва топшириқлар умуман бажарилмаяпти. Ичимлик суви иншооти, ошхона ва омборхоналарни санитария меъёр ва талабларига асосан тартибга келтириш керак. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозларнинг фойдаланиш муддати ўтиб кетган. Тиббиёт жиҳозлари ҳам етарли эмас. Оромгоҳга келадиган йўл ва ҳудуддаги йўлакчалар таъмирланиши зарур. Қизиқ, оромгоҳдагилар бу ишларни амалга оширишга қачон улгуришар экан?!

Оромгоҳга борганимизда қоровулдан бошқа ҳеч кимни учратмадик.









бундай беғамлигини қандай тушуниш мумкин?! "Ҳумо", "Булоқча" каби оромгоҳлар мутасаддилари ҳам тадорик ишларини тезроқ якунламасалар, ҳадемай мавсум келиб қолади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: "Оромгоҳларни ўқув йили тугайдиган вақтга таъмирлаб, жиҳозлаб, тартибга келтириб қўйиш ҳар йили такрорланадиган мавсумий иш эканини наҳотки, айрим раҳбарлар билишмаса, тушунишмаса? Бундай лоқайд раҳбарларни ҳар мавсум олдидан туртиб, огоҳлантириб туриш наҳотки шарт бўлса?"

Хулоса шуки, барча болалар оромгоҳлари мутасаддилари мавсумга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришсин. Токи болалар ёзги таътилларини гўзал табиат қўйнида яйраб, турли фойдали тадбирларда қатнашиб, ҳам саломатликларини тиклаб, ҳам жисмонан чиниқиб, янги ўқув йилига хуш кайфият, ўзгача иштиёқ билан қайтсинлар.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**Даврон АҲМЕДОВ,**
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар-тренинг

# КОМИССИЯЛАР ИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

**Қибрай тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ишини такомиллаштириш" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Унда ҳамкор ташкилот вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, фуқаролар йиғинларида асосий йўналишлар бўйича комиссия раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинарда маҳаллалар фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳамда фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда унинг аҳамияти ва ролини оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар бажарилишига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

– Маълумки, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. – Семинар-тренинг ишидан мақсад, "Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ва маҳалла фаолиятига доир тегишли қонунчилик ҳужжатлари юзасидан зарур вазифаларни белгилаб олишдир. Шунингдек, бу борада комиссиялар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Намунавий низомлар асосида шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда самарадорликни ошириш юзасидан иштирокчилар томонидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир давомида комиссиялар аъзолари ва маҳаллалар фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ҳамда касбий билим ва кўникмаларини янада оширишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ТАДБИРЛАР, ТАКЛИФЛАР

**14 МАЙ.** Ўзбекистон давлат консерваториясида "XXI аср мусиқа таълими: муаммо ва ечимлар" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилаяпти.

**14 МАЙ.** Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан матбуот анжумани уюштирмоқда.

**15 МАЙ.** Чиноз туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабида информатика фанидан вилоят амалий-семинари ўтказилади.

**16 МАЙ.** Паркент туманида вилоятда фаолият юритаётган таҳририятлар бош муҳаррирларининг навбатдаги анъанавий семинари бўлиб ўтади.

**20 МАЙ.** Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят ҳудудий бўлинмасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари" мавзуида давра суҳбати ўтказиш режалаштирилган.

Яна тўловлар ҳақида

# ҚАРЗДОРМИСИЗ, НОЛИМАНГ...

Интизомли тўловчиларимиз ҳам кўп. Бироқ, тўловни вақтида амалга оширмайдиган, ўзи қарздор бўла туриб, тармоқлардаги чекловлардан нолийдиганлар талайгина. Ваҳоланки, моҳиятан олиб қараганда етказиб берилган электр энергияси ва табиий газ ҳақини вақтида тўламай, истеъмолчиларнинг ўзлари чекловларга сабабчи бўлишмоқда.

Биргина Бекобод туманида ўтган йили суд органлари ва солиқ идораларига 880 нафар фуқаронинг 287 миллион сўм ҳамда 95 та улгуржи истеъмолчининг 2 миллиард 116 миллион сўм қарзини ундириш учун аризалар киритилди. 6 482 истеъмолчи анчадан бери 456 миллион сўм қарзни тўламаганлиги сабабли тармоқдан узилди.

Қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши оқибатида электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва қувват пасайишлари кузатилди. Истеъмолчилар томонидан қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланилиши бунга сабаб бўлди. Уларни бартараф этиш юзасидан мунтазам равишда рейдлар ўтказилди. 177 та истеъмолчининг қоидабузарликлари бўйича далолатномалар тузилиб, 149 миллион сўм қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинди. Жарималарни мажбурий ундирилишини таъминлаш мақсадида ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Бундан ташқари, Бекобод туманида айрим мансабдор шахслар етказиб берилган электр энергияси учун маблағларни тўламай, тармоқдан фойдаланиш қоидаларини бузмоқда. Чунончи, "Раҳмон ота" фермер хўжалиги раҳбари В. Раҳмоновнинг фойдаланилган электр энергиясидан қарзи 282 минг сўм, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари А. Ражабовнинг қарзи 1 миллион 230 минг сўм, "Содиқ" фермер хўжалиги раҳбари С. Исабоевнинг қарзи 325 минг сўмга етган.

Шунингдек, улгуржи истеъмолчилардан "Деҳқонобод" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (1 миллиард 880 миллион сўм), "Авангард" уюшмаси (1 миллиард 656 миллион сўм) ва "Учқун Сарвар" фермер хўжалиги (105 миллион сўм)нинг дебитор қарздорлиги юқорилаб бормоқда.

Туман электр таъминоти корхонасида тўловларни ундириш бўйича "Электр ҳисоб" дастури жорий этилди. Хизмат кўрсатувчи банклар ва почта бўлимларида тўловлар онлайн режимида қабул қилинаяпти. Бу борада "Ипак йўли" акциядорлик тижорат банки ҳамда "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти вилоят бўлими билан шартнома имзоланди. Аҳоли томонидан PAYNET тизими орқали электр энергияси, қайта улов ва жарималар бўйича тўловларни амалга ошириш жорий этилди. Ушбу қулайлик тўғрисида истеъмолчилар орасида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

– Тизимда кўрсатилган хизматлардан дебитор қарздорликнинг тўпланиб қолиши катта муаммо бўлиб турибди, – деди туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ислом Исломов. – Бу қарзларни ундириш учун фуқаролик судларига тегишли тартибда мурожаат этилиб, даъволар қаноатлантирилмоқда. Бироқ, фақат бу йўл билан дебитор қарздорликка барҳам беришга эришиб бўлмаяпти. Абонентларимиз ичида ҳар хил баҳоналар билан онгли равишда тўловни амалга оширишдан бош тортадиганлари ҳам бор. Бу тоифадаги одамлар: "Узлуксиз электр энергияси таъминотини йўлга қўй, кейин пулини оласан", қабилида иш кўришади. Энди ўйлаб кўринг, аслида чекловлар қўлланишига айнан ана шундай интизомсиз истеъмолчилар сабабчи бўлишмаяптими?

Ўз навбатида истеъмолчилар ҳам ҳуқуқ ва бурчларини билишлари, мажбуриятларини адо этишлари шарт. Бозордан нимани, қачон текинга олгансиз? Жимсиз. Шундай экан, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ҳам товар. Аввал пулини тўлаб, сўнг истеъмол қилиш кераклиги оддий ҳақиқат.

Таъминот корхоналари билан тезроқ ҳисоб-китоб қилинг, қарздор бўлсангиз, тўланг, нореал қарздорлик ҳисобланган бўлса, исботланг. Акс ҳолда, қарзни тўламай юраверсангиз, таъминот корхоналари судга мурожаат қилишади. Суд буйруғига кўра, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан қарз ундирилади. Ҳатто, ундириш мол-мулкка ҳам қаратилади. Унгача бормаслик, азиз истеъмолчи, ўзингизга боғлиқ. Қарзни тўлаш керак. Бошқа йўли йўқ.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЪЛОН

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453 "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларни ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирдари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган 1-FX шакли (Фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида), шунингдек 2-FX фермер хўжалигининг молиявий-иқтисодий ҳолати тўғрисида ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан 1-DX шакли (Деҳқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида) давлат статистика ҳисоботи 2013 йилдан бошлаб йилда икки маротаба, яъни 1 июнь ва 1 декабрь ҳолатига тақдим этилиши белгилаб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари томонидан давлат статистика тизимидаги 1-FX шакли, шунингдек 2-FX ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан 1-DX шакли ҳисоботларини жорий йил 1 июнь ҳолатига ҳисобот даври кейинги ойининг 10-санасидан, яъни 2014 йилнинг 10 июнь кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши тўғрисида огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2011 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Давлат статистика қўмитаси расмий сайти (www.stat.uz)да электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш Тизими фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган фармонга мувофиқ, 2014 йилнинг охирига қадар барча хўжалик юритувчи субъектлар статистик ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шуни инобатга олиб, топшириладиган 1-FX шунингдек 2-FX ҳамда 1-DX шакли ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этилиши тўғрисида яна бир бор эслатиб ўтамиз.

***Тошкент вилояти статистика бошқармаси.***

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

# САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Ҳар бир она фарзандини соғлом, бақувват бўлиб вояга етишини истайди. Бунинг учун эса, аввал онанинг ўзи соғлом бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу йўлда аввало қизлар саломатлигига эътибор зарур.**

Чирчиқ шаҳрида ўтказилган спорт байрами айнан шу мақсадга йўналтирилган. Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот", "Маҳалла", "Маданият ва спорт" ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда 24 та мактаб, 8 та коллеж, шунингдек академик лицей ва 14-меҳрибонлик уйининг 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлари иштирок этди. Чирчиқдаги таълим-тарбия масканларида ўқиётган 20506 ўқувчининг 10715 нафари қизлар. Уларни спортга жалб этиш мақсадида ташкиллаштирилган бу байрам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фаол қатнашчиларни рағбатлантириш маросими, айниқса, ҳаяжонли кечди. Бош ҳомий "Максам-Чирчиқ" ОАЖ корхонаси ёрдамида тайёрланган совғалар барчага маъқул бўлди. 521 нафар спорт билан мунтазам шуғулланувчи ҳамда 522 та кам таъминланган оила қизларига спорт формалари топширилди.

Муҳими, суратию сийрати гўзал спортчи қизлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



**Паралимпия**

# ИҚТИДОРЛИЛАР БАҲСИ

**Пойтахтимизда жисмоний имконияти чекланган ёшлар ўртасида бадминтон бўйича турнир ўтказилди.**

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ва мамлакатимиз бадминтон федерацияси томонидан жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида бадминтон спорт турини оммавийлаштириш мақсадида ўтказилган мусобақада 60 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Турнирнинг эркаклар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида Владислав Лигай ва Валерий Литвиненко шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Хотин-қизлар ўртасида Элвира Легай ва Ольга Комилова олтин медални қўлга киритган бўлса, аралаш жуфтликда Қиличбек Ўролов ва Меҳригиё Амриддинова биринчи ўринни эгаллади.

– Бу каби мусобақалар спортга бўлган қизиқишимизни янада оширади, – дейди турнир иштирокчиси Муродбек Ғафурбеков. – Келажакда халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиш ниятидаман.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига медаль, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нурулло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Дзюдо**

**Озарбайжоннинг Баку шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича "Катта дубулға" туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта бронза медални қўлга киритди.**

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфуллаев грузиялик Георги Месаблишвили, мўғулистонлик Херлен Ганболд ва мезбон спортчи Илғор Мушкиевни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

100 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар баҳсида икки нафар полвонимиз – Рамзиддин Саидов ва Сойиб Қурбонов бронза медаль соҳиби бўлди.

**ЎзА.**

Ҳаёт сабоқлари

# АЁЛИНИ АСРАГАН ЭРЛАР

Яқинда бир дугонамникида йиғинда бўлдим. Меҳмонлар тарқалгач, у мени: "Бирпас ўтирайлик, маслаҳатли иш бор", деб олиб қолди. Нилож кўндим. Безатилган дастурхон атрофидан дугонамнинг бўйи етган ўғил-қизлари ҳам жой олишган.

– Шоҳижон, айланай, бир чойнак иссиққина кўк чой олиб кел, – деди тўрда пишириқлардан тотиниб ўтирган қизига.

– Уф-ф, ойи, нимага доим мен? Ана, Нозимга айтинг, куни билан битта иш қилгани йўқ. Гулсанам-чи, эрталабдан бери қўлидан телефон тушмади.

Дугонам мендан истиҳола қилиб, болаларини оқлашга тушди.

– Узр, ўртоқжон, чарчашибди шекилли...

Бир оз тин олгач:

– Ичим ғамга тўлган, ўртоқжон, – дея энди гап бошлаганди, дугонамнинг катта қизи чимирилди:

– Хола, ойим уйда ўтиравериб дийдиёчи бўлиб қолганлар, "так что" гапларига эътибор бермайсиз.

Дугонам сурбетларча орага суқилган қизининг луқмасидан хижолат тортди. Лекин индамади.

Болалари хонадан чиққач, ўзим сўрадим:

– Сенда бир гап бор, ёрил менга, енгиллашасан, зора малҳам бўлолсам. Аммо ўтган воқеаларга сиқилиб, ўзингни адойи тамом қилишинг яхшимас.

– Мен эрим билан ажрашмоқчиман.

– Нима-а, эсингни едингми, ахир, болаларинг...

– Шу пайтгача болалар учун чидаб келдим. Менга мана бу дабдабали кошона, молу давлатнинг нима кераги бор? Аслида уларнинг ҳар битта ғишти ҳаром пуллардан бунёд бўлган. Қолган умримни кекса онам билан ўтказмоқчиман.

– Ахир, онанг шўрликнинг ўзи укангникига зўрға сиғяпти-ку...

– Билар экансан, раҳмат. Аммо мен онам билан бутунлай бошқа уйда яшашни истайман. Икки ёрти бир бутун бўлиб, – Мўътабар истеҳзоли кулди. – Шўрлик онам бир умр ичкиликка берилган отамнинг улфатларини меҳмон қилиб, калтак остида яшади, кун кўрмади. Оқибатда касалга чалиниб, бели букчайиб қолганида ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Мен ҳам худди онам каби кераксиз буюмга айландим. Ҳатто, ўз болаларим мени менсимай қўйишган. Чунки, эрим мени бир умр пиёнистанинг қизи, гадойнинг боласи деб ерга уриб келади. Ўтган йили юрагимни операция қилишди. Биласан, ўттиз ёшимда биринчи операцияни бошимдан ўтказгандим. Бу касалликни шу остонага келиб орттирганман аслида. Эрим учун мен бу ҳовлида бир чўриман, холос. Қизларимни уришсам, ўғлимни койисам: "Ҳой, буларда сенинг ҳаққинг йўқ, уларни онам катта қилганлар", дея ўртага тушавериб бетларини қотирди. Шуларни деб ҳамма ғурбатларга чидаб яшадим. Эрим куппа-кундуз куни, болалар ўқишдалигида уйга котибасини олиб келиб, айш-ишрат қилади. Мен уларга дастурхон тузаб, ош-овқат тайёрлайман. Негаки, мен касалманд, яроқсиз буюм каби эмишман. Буларга дош беролмаяпман, ахир темирдан эмасман-ку?

Қотиб қолдим. Бунга бир хум кераклиги ростга ўхшайди. Мирзосифат эри... кимсан, Салим Толипович наҳотки, шунчалар пасткашликка борган бўлса? Соғлигида керак бўлган хотини, энди кераксиз буюмга айланиб қолса?!

– Бу даргоҳдан кетсам, ҳамма мени савдойига чиқариши аниқ. Аммо сабрнинг ҳам чегараси бор. Ундан кўра, бор меҳримни кўзи тириклигида онамга берсам-чи, деган ўйга бордим. Бу кетишда болаларим нима кароматлар кўрсатишади ҳали?

Остонадан ўта фаромуш аҳволда чиқдим. Дугонамнинг сўлғин чеҳраси, меҳрга ташна кўзлари, титроқ лаблари кўз олдимдан сира кетмасди. Унга тайинли маслаҳат бера олганим йўқ, дардини тингладим, холос. Бу чигал вазиятни ўнглаш осон кечмайди, албатта. Биз кўпинча: "Чида-чида, сабр қил", дея бир-биримизни овутамиз, аммо муаммонинг моҳиятини англаб етишимиз қийин. Чунки сиртдан ялтироқ бўлиб кўринган нарсанинг ҳаммаси ҳам бахт эмаслиги аён.

Элда аёлини асраган эрларнинг қадри баланд. Лекин, эркак хотинига хиёнат қилсаям, негадир қусурни аввало аёлдан излаймиз. Аммо саломатлиги ёмонлашган аёлларини хўрлаган, ташлаб кетган эрларни оқлаб бўладими? Ўша эркаклар қаримайдими? Бетоб ҳолларида аҳли-аёлларига сарғайишмайдими? Бир нарсага ҳайрон қоламан: салгина учиниб қолса, ўрин-кўрпа қилиб, ётиб оладиган айрим эркаклар юраги, жигари ёки буйрагида сурункали оғриқ ва асоратлар бўлган аёлларини аямайдилар. Уларни жисмоний ишлар билан баттар зўриқтирадилар. Хаста аёлларини даволатиш ўрнига ўзлари санаторийларда ётиб, дам олишади.

Хотинларига меҳрибон эркаклар аёлини асраш билан ўз ҳаётларини, фарзандларини тубанликдан, разолатдан, ёмон кўчага кириб кетишдан асраб қоладилар. Одатда бирор киши бой, юқори мартаба эгаси бўлса-ю, хотини тарбияли, яхши чиқмаса, у бахтли эмас, дейишади. Бу фикр эркакларга нисбатан ҳам айтилиши керак. Қарс икки қўлдан чиқади. Эрнинг топиб келганини юзага чиқарадиган, хонадонини обод қилиб, фарзандларини оқ ювиб, тарайдиган аёлдир. Аммо, ана шундай зотни оёқости қилиб, унинг туйғуларини топтайдиган эркаклардан асрасин.

Дугонам узоқ вақт жим бўлиб кетди. Унинг қандай қарорга келганини билмадим. Кейинроқ оиласини ташлаб кетмаганини эшитдим. Дугонамнинг матонатли эканини билардим. Барча қийинчиликларни бардош билан енгишига ишонаман. Фақат соғлиги кўтарса бас.

**Нигора ШОФАЙЗИЕВА.**

Bolalik bog`i

# NAFS KASOFATI

**(Ertak)**

Bir bor ekan, bir yo`q ekan, qadim-qadim zamonda chekka bir qishloqda halol, rostgo`y, mehnatsevar bir yigit yashar ekan. U ertayu kech dehqonchilik qilib kun kechirarkan. Nochor bo`lishiga qaramay, tog`ni talqon qilguday kuchi bor ekan. U hamisha odamlarga yordam berar, og`irini engil qilarkan.

Bir kuni dehqon yigitning kulbasiga qop-qora kiyimda bir odam kelib:

– Hoy yigit, men seni anchadan buyon kuzatib yuribman. Qachongacha bir burda non uchun o`zingni qiynab, ertayu kech mehnat qilasan? Agar shartimga rozi bo`lsang, bir zumda badavlat odamga aylanasan, – debdi.

Yigit o`ylanib qolibdi. "Chindan ham qachongacha bir burda nonga zor bo`lib yuraman. Men ham yog`li ovqatlar egim, koshonalarda yashagim keladi" deb o`ylabdi. Keyin esa:

– Har qanday shartingga roziman, faqat badavlat bo`lsam bo`ldi, – debdi.

Qora odam esa unga shartini aytibdi:

– Dehqonchilik qilmaysan. Har kuni menga bitta turna, ikkita laylak, uchta kabutar ovlab kelasan. Evaziga senga har kuni o`n tilla beraman.

Yigit oson boylik topish ilinjida rozilik beribdi. Oradan kunlar o`tibdi, u har kuni beozor qushlarni ovlab, qora odamga topshirar, evaziga esa va'da qilgan tillalarini olarkan.

Dehqon yigit chindanam boyib ketibdi. Vayrona kulbasi koshonaga aylanibdi. U qisqa muddat ichida shu darajada o`zgaribdiki, oldingi halol, mehnatkash yigitdan ziqna va dangasaga aylanibdi.

Kunlar o`taveribdi. Yigit shunday badavlat bo`lib ketibdiki, hatto kosasi ham tilladan ekan. Biroq yosh bo`lishiga qaramay, tez-tez dardga chalinadigan bo`lib qolibdi. Bilagida kuch, yuragida olov qolmabdi. Yurtdagi barcha tabiblarni chaqirib, ularga tillalar in'om qilibdi. Biroq, hech biri uni tuzatolmabdi. Shunda uning koshonasiga bir nuroniy chol kirib kelibdi. Yigit uni tabib deb o`ylab dardini bayon qilibdi:

– Ilgari bir burda non bilan kuni o`tardi, lekin juda baquvvat edim, yuragimda hamisha o`t lovillab turardi. Endi esa hamma narsam etarli, boyligimning hisobi yo`q, biroq o`zimni kuchsiz va zaif his qilayapman.

Chol shunday debdi:

– Kambag`alligingda bilagingdagi kuch imoning edi, yuragingda yonib turgan alanga pokiza vijdoning edi. Sen o`shalar bilan baquvvat eding. Endi ular seni tark etdi. Chunki sen ularga bevafolik qilding, beozor qushlarni boylik uchun o`ldirib, shaytonga eltib berding. O`z nafsingga qul bo`lding. Endi sen hech qachon kuchli bo`la olmaysan.

Oradan ko`p o`tmay, yigit vafot etibdi. Uning koshonasi esa vayron bo`lib, boyqushlarning makoniga aylanibdi.

Qissadan hissa shuki, kim halol yashamas ekan, u halokatga mahkum.

**Shoira TO`LAGANOVA.**

# КАМПИРНИНГ ШАРТИ

**(Ҳангома)**

– Отажон, суюнчини чўзинг, суюнчини! Жуфтингизни топдик! Яша-си-ин!

– Жуфтингизни? Йўғ-е. Оғизларингни қанча пойладим. Ҳатто бир куни теша ҳам теккизувдим: болам, уйда аёл қолмади-ку. Хотининг ҳам шим кийиб олдими, десам, илжайдинг қўйдинг-а.

– А?! Э, Рихсибой акам ҳақида бир гап эшитдик. Қазо қилиб кетган аёлларининг эски нимчаси чўнтагидан тароқлари чиқибди. Унда соч толалари бор экан. Кўзлари ёшланиб, духобага ўраб қўйибдилар. Кеча вафот этган кунлари экан-да, ўша сочни ўпиб йиғлабдилар. Сўнг бандаликни бажо келтирибдилар.

– Ёпирай! Бу ёғини эшитмабман. Хўш-хўш?

– Сиз ҳам онамдан қолган сочиқни сандиқма-сандиқ яшириб юрибсиз.

– Ия, уни яширмасам хотининг ювади. Кейин меҳрибоним Замирахоннинг ҳидини қаердан топаман, қаердан?!

– Ана шунақа-да. Биз ҳам ўйлаб қолдик. Ахир, Ваҳоб ота, Исмат оталар аллақачон саксондан ошиб кетишган. Ҳамон ўқдек. Чойхонани гуллатиб юришибди. Чунки, ёнларида суянадиган тоғлари – хотинлари бор-да. Сизни ҳам тўқсондан ошириб юборадиган зўр кампир топдик!

– Қойил, эсликкинам! Қани бир қучиб қўяй! Ким экан у?

– Адолат эчкичи.

– Ў, балли! Биринчи кўз остига олиб қўйганим ўша эди-да! Олтита эчкиси бор. Тепаликларда шуларни қува-қува танаси қайишга ўхшаб кетганов.

– Қайиш дейсизми? Улар ҳам худди шу сўзни ишлатдилар: "Қосимжон акам узоқ йиллар почтальонлик қилиб, юра-юра қайишга ўхшаб кетган одам. Ҳалиям қўлларида кетмон, болта, ўроқ, теша. Э, эринг бўлса, шунақа бўлса-да"...

Қосимжон ота илжайганча ўғлига шаъма қилди:

– Э, болагинам, яқинда автобусда кетаётувдим, Адолатой чиқиб қолди. Бўш жой йўқ. "Дик" этиб ўрнимдан туриб, ўтқазиб қўйдим. У дуо қилди: "Ишқилиб юз ёшларга кириб юринг!" Э, унақа деманг. Унда яна йигирма беш йил бўйдоқ юраманми, деб кулувдим.

Ўғил илжайди:

– Ўзи ҳам айтолмай юрган экан, бир оғиз гапимга йўқ демади. Бу сафар қоқ мўлжалга тушибди-да, отажон! "Мен нимаям дердим", деб қолдилар. Аммо бир шартни айтдилар.

– Қанақа шарт экан?

– Сизларникида ҳам эчкилар бўлиши керак, деяптилар. Эчкининг сути ҳам – умр, "қулоқсиз" бўлиб, орқасидан югуртириши ҳам – умр. Бунинг устига сути қўшнилар ўртасида талаш. Уйингизда эчкилар "ба" деса, мен ҳам "ҳа" деб бораверaман, дедилар.

– А?! Адолатой ғирт хазина экан-ку! Ўзи бақувват, пенсияси бақувват, топиши ҳам бақувват-а! Ҳой, эрталабки бадантарбияда югураётганлардан совчи келиб қолса, илиб кетади-ку! Уни қўлдан чиқариб бўлмайди, болагинам. Адолатойнинг "ҳа" дейиши сари олға! Кетдим эчкига!

**Асхўжа ИНОҒОМОВ.**






Рассом хандаси

– Барибир ушладим...

Кулганга нима етсин

*– Хўш, кеча ота-онангда қандай таассурот қолдирибман? – сўради йигит бўлажак рафиқасидан.*

*– Билмадим, – деди қиз тортиниб, – ҳали дадам ҳеч нарса дегани йўқ. Ойим эса дадамнинг гаплари нотўғрилигини исботлаш учун биринчи бўлиб гапиришларини кутяптилар.*

☹ 😐 ☺

*Кино юлдузи машҳур ёзувчи аёл ёнига келиб ўтирди. Улар бир-бирини жуда ёмон кўришарди. Кино юлдузи биринчи бўлиб сўз бошлади:*

*– Яқинда чиққан ҳикоянгиз жуда ажойиб экан. Аммо, марҳамат қилиб айтинг-чи, уни сизга ким ёзиб берди?*

*– Мақтаганингиз учун раҳмат, – деди ёзувчи аёл, – аммо айтинг-чи, уни сизга ким ўқиб берди?*

☹ 😐 ☺

*Икки хотин гаплашяпти.*

*– Қизиқ, илгари эркаклар аёлларни нимаси билан мафтун қилган экан-а?*

*– Илгари деганинг қачон?*

*– Пулни ўйлаб топишларидан аввал-да...*

☹ 😐 ☺

*Ўғил онасига шикоят қиляпти:*

*– Ойи, опам янги шимимни кийиб кетибди.*

*– Ўғлим, дадангга ўхшаб вазмин, сабрли бўл.*

*– Дадамнинг бунга нима алоқаси бор?*

*– Кеча опанг унинг шимини кийиб кетганда, тишини-тишига қўйиб жим ўтирди-ку!*

Жиноятга жазо муқаррар

# ҚОРА ОҒУ ДАРДИДА

**...Қоронғида машина чироғини ёқмай, аста илгарилаётган "Спарк"да бири олтмиш, иккинчиси эллик ёшлардаги икки эркак атрофни диққат билан кузатишаяпти. Қўшни Тожикистон билан юртимиз сарҳадларини ажратиб турувчи сим тўсиққа оз қолганда, улар машинадан тушишди. Атрофни тимирскилаб, ниманидир қидиришди. Топишолмагач, машина чироқларини ёқишга мажбур бўлдилар. Ниҳоят, пичан ғарами орасидан улар қидирган нарса – қора целлофан пакет чиқди.**

Зим-зиё тунда бу овлоқда "қуйруқ" қидириб юрган кимсаларнинг бири тўрт фарзанди бўлсада, ҳанузгача ақлини йиғиштириб олмаган 65 ёшли Озод Хўжаев. Иккинчиси, 53 ёшли пискентлик Абдуғофур Қаюмов. Беш фарзандига яхши намуна кўрсатиш ўрнига, енгил бойлик илинжида эгри йўлларда сарсон юрган бу кимса олий маълумотли бўлсада, ҳанузгача тайинли ишнинг бошини тутмаган.

Аввалдан гиёҳванд моддалар олди-сотдисига аралашиб юрган бу шахслар "опий", "марихуана" каби гиёҳванд воситаларнинг янги "нуқта"сини топдилар. Қорадорини биринчи қўлдан сотиб олиш учун тожикистонлик Шавкат исмли шахс билан алоқа боғладилар. Келишувга кўра, дори учун 300 АҚШ долларини аввалдан Олмалиқ шаҳридаги "Ипотека банк"нинг "Золотая корона" пул ўтказиш тизими орқали Шавкат – яъни Ш. Сафаров номига ўтказдилар. Белгиланган пулни олгач, тожикистонлик шериклар ҳам телефонда О. Хўжаев ва А. Қаюмовга "мол"ни Бекобод тумани "Ёшлик" маҳалласидан олиб кетишлари мумкинлигини айтдилар. Юқорида айтиб ўтганимиздан маълумки, харидорлар ҳам излаганларини топдилар.

Бундай қараганда, ҳамма иш силлиқ кечди: нопок кимсалар ниятларига етгандайлар, гўё жиноят жазосиз қолгандай...

Аммо, қора ниятли бу шахслар мустақил юртимизда қонун устуворлиги, чегараларимиз даxлсизлиги, уни ҳушёр, зукко ва саботли посбонлар қўриқлашини ёддан чиқардилар.

Жиноий шериклар заҳри қотилни топиб, энди кетишаётганда чегарада собит турган ҳарбий хизматчилар уларни қўлга олишди.

Холислар иштирокида тинтув қилинганда, О. Хўжаевнинг ёнидан вазни 107,3 грамм "опий", А. Қаюмовдан алоҳида конверт пакетчаларга қадоқланган, вазни 1,3-0,9 граммга тенг "марихуана" гиёҳванд модда топилди. Шунингдек, А. Қаюмов уйига ҳам 13,3 грамм қуритилган "марихуана"ни яшириб қўйган экан.

Суд мажлисида тўғри йўлдан адашган бу шахслар қилмишларига иқрор бўлиб, пушаймонликларини билдирдилар. Аммо сўнгги пушаймон ўзингга душман. Одил суд Озод Хўжаевни 10 йил, унинг ҳамтовоғи А. Қаюмовни 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

**Жаҳонгир НОСИРОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9883. Адади 15534. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.